

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING
QARORI

314 2014/2015 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси магистратурасига қабул
тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг молия, банк ва солиқ тизимлари ҳамда иқтисодиётнинг реал сектори айрим тармоқ ва корхоналарида инвестиция фаолияти учун юқори малакали магистрлар тайёрлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистратурасига қабул квоталари мутахассисликлар кесимида 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. «Инвестицияларни бошқариш (реал сектор учун)» мутахассислиги бўйича қабул квоталари иқтисодиётнинг реал сектори айрим тармоқ ва корхоналари бўйича тақсимланиши 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистратураси Қабул комиссиясига Академияга ўқишга кириш жараёнида магистратура мутахассисликлари бўйича абитуриентлар тўплаган балларнинг рейтинг баҳоланишини ҳисобга олган ҳолда Академиянинг қабул кўрсаткичларига белгиланган умумий квоталар доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 23 июнь,
167-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 23 июндаги 167-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси
магистратурасига 2014/2015 ўқув йили учун қабул
КВОТАЛАРИ**

Т/р	Мутахассислик шифри	Мутахассислик номи	Жами	шу жумладан	
				давлат гранти	тўлов-контракт
1.	5A 230701	Банк иши (фаолият турлари бўйича)	55	18	37
2.	5A 230702	Банк ҳисоби ва аудит	12	5	7
3.	5A 230603	Инвестицияларни бошқариш (реал сектор учун)	20	5	15
4.	5A 230603	Инвестицияларни бошқариш (банк сектори учун)	25	7	18
5.	5A 230601	Давлат молиясини бошқариш	31	15	16
6.	5A 231301	Пенсия иши	15	10	5
7.	5A 231201	Суғурта иши	10	-	10
8.	5A 230602	Корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозори	7	2	5
9.	5A 230902	Аудит (молия соҳасида)	5	3	2
10.	5A 230801	Солиқлар ва солиққа тортиш	20	10	10
		ЖАМИ	200	75	125

Изоҳ: «Давлат молиясини бошқариш» мутахассислиги бўйича давлат гранти асосида 2 (икки) та ўрин Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги учун мақсадли равишда ажратилган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 23 июндаги 167-сон қарорига
2-ИЛОВА

**«Инвестицияларни бошқариш (реал сектор учун)»
мутахассислиги бўйича қабул квотасининг иқтисодиётнинг
реал сектори айрим тармоқ ва корхоналари бўйича
ТАҚСИМЛАНИШИ**

Т/р	Вазирлик, идора ва корхоналарнинг номлари	Жами	шу жумладан	
			давлат гранти	тўлов-контракт
1.	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	1	1	-
2.	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги	2	2	-
3.	«Ўзбекэнерго» ДАК	1	-	1
4.	«Ўзкимёсаноат» ДАК	3	-	3
5.	«Ўзавтосаноат» АК	1	-	1
6.	«Ўзбекнефтгаз» МХК	3	-	3
7.	«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК	2	-	2
8.	«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК	1	-	1
9.	«Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати» ОАЖ	1	-	1
10.	«Ўзметкомбинат» ОАЖ	2	-	2
11.	«Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти	3	2	1
	ЖАМИ	20	5	15

Изоҳ: Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда «Навоий кон-металлургия комбинати» ОАЖдан номзодларга бошқа мутахассисликлар бўйича танловда иштирок этишга рухсат берилади.